



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLIH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**М.А.Тилакова**

*Жиззах ВХТХҚТМОҲМ “Педагогика ва психология  
таълим технологиялари” кафедра мудири p.f.f.d.(PhD)*

### Умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятларни ривожлантириш бўйича тавсиялар

#### Anatatsion

The problem of a creativity of the modern person becomes more and more actual. Creative persons are necessary to a developing society, first of all, - for being intellectual-creative, capability to think safely, creativity - it is nonconventional and original, solving problems productively. The creative persons are creatively proving in different kinds of activity are necessary for a modern society.

Today creativity - the important criterion of the person, the factor of its complete development. There fore in the state educational policy of creativity - at intellectual level, naturally, on an informative basis, the especial attention now is given to active creativity.

In the educational policy of Uzbekistan among development of the basic qualities and abilities trained are allocated creative - creative potential of the person. With especial attention to is intellectual-creative thinking. That is quite lawful, as the new thinking - courageous, original, creative, initiative, constructive, is innovative-innovative today is required.

#### Анататция

В современной образовательной политике особенное внимание уделяется подготовке обучающихся к интеллектуально-практической деятельности, созиданию на основе креатива, творческого мышления. Чтобы молодое



поколение могло активно, свободно и творчески ориентироваться во всех сферах жизни, ставить и решать различные задачи

Высокого уровня интеллектуального и творческого развития у обучающихся требует демократизация и гуманизация процесса обучения и воспитания. Причем на значительных национальных ценностях, на культурно-историческом наследии, в духе уважения к богатому культурному наследию и историческим традициям, что особенно акцентировано в Национальной программе по подготовке кадров.

Одним из средств интеллектуально-творческого развития является креативное мышление в процессе изучения предмета. Например, при внеучебном изучении обучающимися историко-культурных памятников Узбекистана

#### Анататция

Синфдан ташқари машғулотлар шароитида (муаллифлик дастури бўйича) миллий-маданий меросга, ўқувчиларнинг ижодий потенциалига, ўқитувчининг ижодий изланишлари ва топилмасига мурожаат қилиш учун кенг имкониятлар тақдим этилишида ўқувчилар томонидан Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий меъморий ёдгорликларнинг тарихий-маданий, бадиий-эстетик ижодий идрок қилиниши(ишлаб чиқилган алгоритмлар бўйича) муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнда миллий, тарихий-маданий, қадимий меъморчиликка оид меросга, унинг жаҳондаги аҳамиятига, креатив ўрганилишига урғу берилиши зарур

**Key words:** original, creative, initiative, constructive, innovative, education, development, basic, quality, level, thinking.

**Ключевой слова:** креатив, креативному изучению учащимися 8-9-ых классов, развития креативных способностей, креативное изучение – о креативе, роль и значение креатива в духовном, интеллектуально-творческих способностях

Замонавий ижтимоий-маданий шароитда дунё таълим назарияси ва амалиётида тез суръатлар билан ривожланиб, ўзгариб бораётган жамиятлар учун муаммоларни самарали ҳал қилишга қодир, ўз мустақил фикрига эга, ўзини инсон фаолиятининг турли жабҳаларида намоён эта оладиган, ноанъанавий ва ўзига хос интеллектуал-ижодий тафаккур юритишга, вазиятга мос оператив қарорлар қабул қилишга қодир креатив шахслар зарурлиги таъкидланиб ўтилади. Бугунги кунда креативлик – XXI аср фуқароси ижодкорлигининг муҳим мезони, унинг яхлит ривожланишини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир.

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини изчил ривожлантириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган



янгилашиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларига мослаштириш, кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Айни пайтда таълим олувчиларни ижодий-интеллектуал ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда креативлик қобилиятларини ривожлантириш, бунинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни таъминловчи норматив, моддий-техник ва ахборот базасини яратиш каби вазифалар белгилаб берилди.<sup>1</sup> [32-616]

Мустақиллик йилларида ёшларни муносиб истиқбол ворислари, ижодкор инсон қилиб тарбиялашга эътибор қаратилиб, ватанимизнинг келажаги ижодий фикрлайдиган ёшларнинг салоҳияти ва иқтидорини ривожлантириш, модификациялашган таълим мазмуни, янги технология ва инновацияларни излаш билан боғлиқ. Хусусан, ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан табриклашга қаратилган тарихий нутқида давлатимиз раҳбари: «Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожини билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди» — дея таъкидлади<sup>2</sup>.

Ўқувчилар интеллектуал-ижодий–креатив фаолияти катта ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлиб, у баркамол авлоднинг базавий сифатлари ва қобилиятларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг омилидир. Зеро, интеллектуал-ижодий ривожланиш “шахснинг маънавий соҳаси билан боғлиқ. Бу фаол фаолият жараёнидаги ахлоқий, интеллектуал ва эстетик талаблар ва манфаатларнинг шакллантирилиши ва қаноатлантирилишидир”. Демак, мазкур жараёнда инсон маънавиятининг муҳим қирралари шакллантирилади, ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.<sup>2</sup>

Креатив – интеллект ва ижод, ўқувчилар шахсининг юксак маънавийлиги ва юқори даражада ривожланганлиги билан изоҳланади. Миллий ва жаҳон қадриятлари, биринчи навбатда– ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси асосида ўрганилган. Мотивация, релаксация, ўқувчиларда ижодий изланиш мавжудлигини рағбатлантириш каби усулларни қўллаб, уларнинг шахсий фаоллигини оширишга, меъморий ёдгорликларнинг бадий ва эстетик хусусиятларини англашга қаратилган синфдан ташқари машғулотдаги интеллектуал-ижодий фаолиятни жараён сифатида баҳолаб, ўқувчи шахсида ўқув ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ҳамда унинг фаол, анланган-мотивацион, аниқ бир мақсадга йўналтирилган, эҳтиёжларига асосланган, методик, натижали-башоратланган, интеллектуал-ижодий мулоқотларини таълимнинг амалий ва назарий шакллари, инновацион дидактик методларни



қўллаб такомиллаштириш замонавий етук шахсни шакллантиришнинг ишончли йўналишидир.[386 б]

Юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантириш уларнинг психологик ёши бўйича тавсифи, жумладан, суҳбат, анкета, тест, саволнома ва бошқа тегишли диагностик воситалар орқали ўқувчидаги мавжуд креативлик қобилиятини тегишлича ташхислаш, унда мавжуд бўлган ва ривожлана бошлаган креативлик қобилиятини, жумладан, фикрлаш ва ижод қилиш билан боғлиқ тафаккур даражасини аниқлашни зарур деб топилиб куйидагича тавсиялар билан креатив қобилиятларни шакллантириш мақсадга мувофик. **Жумладан:**

– ўқувчиларда креативлик қобилиятларни ривожлантиришга расмий-мақомли урғу бериш лозим;

– ушбу муаммога ўқув муассасалари маъмуриятининг эътиборини қаратишга эришишда куйидаги фаолият турларини қўллаш: ўқитувчиларни зарурий тайёргарлик билан таъминлаган ҳолда, ташаббускор тадқиқотчиларни рағбатлантириш; ушбу муаммони давлат аҳамиятига молик, замонавий жиҳатдан долзарб масала сифатида кун тартибига қўйиш ва ҳал қилиш зарур;

– умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, коллежларда ўқувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича синфдан ташқари машғулот ва тадбирларни фаоллаштириш керак;

– педагоглар, олимлар, методистлар, илғор ўқитувчи, амалиётчи, педагогика олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўқувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш муаммосининг турли йўналишлари бўйича назарий-педагогик асосларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни илмий жиҳатдан асослашга эътибор қаратишлари зарур;

– педагог кадрлар малакани ошириш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш тизимида, таълимнинг барча тузилмаларида ўқувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожланиши бўйича махсус курсларни ташкил қилиш керак.

– Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида ўқув фаолиятининг турли жабҳаларида ўқувчи ёшларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш муаммосини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган тизимли тадқиқотларни амалга ошириш лозим. Бунда муайян предметли тавсиялар, унда синфдан ташқари машғулотларнинг муаллифлик дастури доираларида муаммо ечимини топишнинг методологик-директив, психологик-педагогик, назарий-педагогик ҳамда амалий ёндашувларига урғу бериш зарур.

– тадқиқотда креатив – интеллектуал-ижодий, этик-оммавий ўзини намоён этиш имкониятлари кўриб чиқилган шароитлар юқори синф ўқувчилари ёш ва ақлий имкониятларига мос бўлиб, уларда креатив қобилиятларини ривожлантириш учун жуда қулайдир;<sup>4</sup> [144 б]

– тадқиқот муаммосини амалий ҳал этишда ўқитувчининг ташаббускорлиги, унинг тегишли тайёргарлиги, креатив-педагогик қиёфаси муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, сўзсиз, мактаб маъмуриятининг қўллаб-



қувватлаши, уни амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиши жуда катта аҳамиятга эга;

– ўқувчиларда тарихий-маданий ёдгорликлар бўйича ижодий хаёл ва таассуротларни ривожлантиришда қуйидаги топшириқлардан фойдаланиш лозим:

- архитектура-бадий қиёфасини образли тасаввур қилиш;
- архитектура образини тўлдириш, ўзгартириш,
- ёдгорликни яхлит «кўриш», уни қисмлари бўйича ўзлаштириш,
- замондош ролида ёдгорликни «кўриш»,
- замондош нуқтаи назаридан ёдгорликка нисбатан ўз қарашларини ёзма, оғзаки, тасвирий ифодалаш;

– ўқувчиларни ўқишдан ташқари турли даражадаги тадбирларда ўз ижодий маҳсулотини ижтимоий-коммуникатив амалга ошириш.<sup>5</sup> [476]

– таклиф этилган кўрсаткичлар бўйича ўқувчининг ўз креатив – интеллектуал-ижодий қобилиятларига ўзи баҳо беришига эришиш ўқитувчидан юксак назарий-амалий тайёргарликни талаб этади, шу сабабли ўқитувчилар малака ошириш марказлари тингловчилари учун умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув курсини киритиш, унда ўқувчиларда қобилият ва иқтидорини ўстириш борасида етарлича тажрибага эга методист-олимлар, амалиётчи ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганишни йўлга қўйиш лозим;

– ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланишларининг юксак даражаси таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштиришни талаб қилади. Шу билан бирга, муҳим миллий кадриятлар, маданий-тарихий мерос асосида ўқувчининг “бой маданий мерос ва тарихий анъаналарга ҳурмат руҳида” тарбиялашга йўналтиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Национальная программа по подготовке кадров /Гармонично развитие поколение – основа прогресса Узбекистана. – Т.: Шарк, 1997. – 32-61б
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. – [strategy.regulation.gov.uz/uz/document/](http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/)
3. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1995.– 386 б.
4. Скаткин М.Н. Школа и всестороннее развитие детей /Кн. для учителей и воспитателей.–М.: Просвещение, 1980.–144 б.
5. Очилов С. Независимость: духовность и основы воспитания (Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти, академик И.А.Каримов асарлари мисолида): Пед. фанлари докт. дисс. автореф.–Т., 1998.– 47 б.